

---

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ ВА МЕХАНИЗАТОЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ИШ ҲАҚЛАРИ ДАЛА МАЙДОНЛАРИГА БОРИБ ТАРҚАТИЛМОҚДА

Агробанк Қўштепа филиали тумандаги 128 нафар пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Жорий йил ҳосили учун ғўза майдонларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларининг ишчилари ва механизаторларга қулайлик яратиш мақсадида иш ҳақлари банк ходимлари томонидан дала майдонларига бориб тарқатилмоқда.

Жумладан, бугун банк ходимлари “А.Ниёзов Оқтепа”, “Қумтепа Қамиштепа”, “Қорақушчи Отабоев”, “Баҳт Йўлдош Охун” ҳамда “Баҳт Пахтакор Гармдон” ММТПлари худудида фаолият юритаётган 30 нафар фермер хўжаликларида хизмат кўрсатишиди. Ғўза парваришилаётган дехқонларнинг иш ҳақлари дала майдонларига етказиб берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, 8-9 май кунлари ҳам график бўйича туманинг бошқа ҳудудларидаги фермер хўжаликлари аъзоларига ва механизаторларга иш ҳақлари етказиб берилади.

Албатта бундай тадбирлар ўз навбатида далаларда меҳнат қилаётган заҳматкаш инсонларни ғайратига ғайрат қўшади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)

2024-05-07 20:15:15